

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ

**САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 - Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Шарипов Ихтиёр Бахтиёрович

Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини
такомиллаштириш..... 3

Шарипов Ихтиёр Бахтиёрович

Совершенствование маркетинговой деятельности на рынке овощной
продукции В2С 25

Sharipov Ikhtiyor Bakhtiyorovich

Improving marketing activities in the B2C market of vegetable products.... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ

САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 - Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Iqt1451 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим портали (www.ziyouet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсунов Маҳмадамин
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Эштаев Алишер Абдуганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Джурабаев Отабек Джурабаевич
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.116.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «15» Февраль куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72; факс (99871)232-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12.50 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72; факс (99871)232-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz.


Диссертация автореферати 2023 йил «30» Январь куни тарқатилди.

(2023 йил «30» Январь даги 12 рақамли реестр баённомаси).




Г.Қ. Абдурахмонова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Р.Х. Карлибаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор


Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида органик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ошириш ва сабзавотлар чакана савдоси ва мижозларнинг сабзавотлар танлашига асосий омиллар сифатида, саломатлик, барқарорлик, табиийлик ва қулайлик тенденциялари муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. Жаҳон янги сабзавот бозори ҳажми 2021 йилда 632,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилдан 2028 йилгача йиллик ўсиш суръати (compound annual growth rate (CAGR)) 2,8% фоизга кенгайиши прогноз қилинмоқда. Мазкур тенденцияда органик сабзавотлар савдоси истеъмоли ривожланган мамлакатларда 95 фоизни ва ривожланаётган мамлакатларда 75 фоизни ташкил этиши кутилмоқда¹. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда соғлиқ муаммоларининг кучайиши ва одамлар ўртасида янги ва органик сабзавотлар истеъмолини ошириш бозорнинг асосий ҳаракатлантирувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳонда В2С бозорининг ривожланишида онлайн савдонинг юқори суръатларда ўсиб бориши кузатилаётган бўлсада, сабзавотлар бозорида 2021 йилда офлайн канал улуши 80% фоиздан ортиқни ташкил этди.² Истеъмолчилар сабзавот маҳсулотларини харид қилишда маҳсулот сифатини жисмоний текширишлари мумкин бўлган офлайн тарқатиш каналларини афзал кўрмоқда. Дунё бўйлаб сабзавотлар тарқатиш каналлари ва логистика тизимларини самарали интеграциялашуви асосида мижозларга қиймат яратишга қаратилган маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолатлар сабзавотлар В2С бозорида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармонида “озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш”га³ устувор аҳамият қаратилган. Шунингдек, ички истеъмол бозорида сабзавотлар нархларини барқарор сақлаш, истеъмолчиларга тизимли етказиб бериш, нархлар кескин ошиб боришини назорат қилиш ва унда самарали бозор механизмларидан фойдаланиш, аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, кутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришларини баҳолаш ҳамда юзага келувчи хатарларни баҳолаб бориш тизимини янада такомиллаштириш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш тақозо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/fresh-vegetables-market-report>

² <https://globalfreshint.com/>

³ <https://lex.uz/docs/5331584>

тўғрисида”ги ПФ-5564-сон Фармони, 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5813-сон Фармони, 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон Қарори, 2021 йил 4 июндаги “Кўчма савдо фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш ва савдо автомати орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5136-сон Қарори, 2021 йил 4 октябрдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5252-сонли Қарори ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижий мамлакатлар олимлардан Mallick S., Datta A., Kuwornu J. K. M., Shih D., Islam M. M., Disket R., Singsamran W., Dhitivara J., Dukpa P., Ezung T. Z., Friedland W. H., Phukan P., Mukaila R., Harris J.⁴ кабилар тадқиқотларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан сабзавотлар чакана савдосини ривожлантириш ва ушбу бозорнинг ўзига хос жиҳатлари Рудой Е. В., Чиркова И. Г., Болгов А. Д., Солдатенко А. В., Молохович М. В., Шанько О. Ю., Хахаева М. Э., Коваленкова О. Г., Журова И. В., Дуплик К. А.⁵ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

⁴ Mallick S., Datta A., Kuwornu J. K. M. Vegetable Seed Marketing—An Overview of Challenges and Opportunities //International Journal of Vegetable Science. – 2018. – Т. 24. – №. 1. – С. 10-28.; Shih D. H. et al. A simulated organic vegetable production and marketing environment by using ethereum //Electronics. – 2019. – Т. 8. – №. 11. – С. 1341.; Islam M. M. An inquiry of the nature and causes of price variation in vegetable marketing system of Bangladesh //International Journal of Research in Business and Social Science (2147-4478). – 2020. – Т. 9. – №. 6. – С. 224-229.; Disket R. et al. Economic Analysis of Vegetable Production in Arnia Block of Jammu District of Jammu and Kashmir Union Territory //International Journal of Agriculture, Environment and Biotechnology. – 2021. – Т. 14. – №. 3. – С. 329-334.; Singsamran W., Dhitivara J., Theeraphuceh K. MARKETING PLACE AND PROMOTION OF HIGH SAFETY VEGETABLE NO. 8 //Journal of Global Business Review. – 2020. – Т. 22. – №. 2. – С. 65-75.; Dukpa P., Ezung T. Z. Analysis of vegetable marketing efficiency in Phek District, Nagaland //Economic Affairs. – 2020. – Т. 65. – №. 3. – С. 427-432.; Friedland W. H. and Vegetable System: An Industrial Organization Analysis //The global restructuring of agro-food systems. – 2019. – С. 173.; Phukan P. et al. Marketing behaviour of vegetable growers in East Sikkim //Progressive. – 2018. – Т. 22. – С. 18.; Mukaila R. et al. Marketing analysis of vegetables: the case of carrot and cucumber marketing in Enugu State, Nigeria //Turkish Journal of Agriculture-Food Science and Technology. – 2021. – Т. 9. – №. 2. – С. 346-351.; Harris J. et al. Food system disruption: initial livelihood and dietary effects of COVID-19 on vegetable producers in India //Food Security. – 2020. – Т. 12. – №. 4. – С. 841-851.

⁵ Рудой Е. В., Чиркова И. Г., Болгов А. Д. Особенности спроса и предложения на рынке свежей овощной продукции: межстрановой анализ //Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2018. – №. 2. – С. 56-60.; Солдатенко А. В. и др. Проблемы производства конкурентной овощной продукции //Овощи России. – 2019. – №. 1. – С. 3-7.; Молохович М. В. Оценка факторов формирования и условий развития корпоративных интересов субъектов рынка овощной продукции //Вестник Полоцкого

Ўзбекистонлик олимлардан Ё.А.Абдуллаев, Р.Х.Эргашев, А.Солиев, Б.А.Абдукаримов, Ш.Дж.Эргашходжаева, М.Қ.Пардаев, М.Икрамов, Қ.Ж.Мирзаев, М.М.Мухамедов, М.Э.Пўлатов, И.С.Тухлиев, И.Иватов, Н.Қ.Йўлдошев, М.Т.Алимова, О.М.Пардаев, Ф.Б.Абдукаримов кабилар^б савдо маркетинги ва унинг назариялари, чакана савдони тартибга солиш ва уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширганлар.

Мазкур тадқиқотларда савдо корхоналари маркетинги ва уни ривожланиш қонуниятлари тадқиқот этилган бўлсада, сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини самарадорлигини ошириш ва мижозларга қиймат яратишга қаратилган концепциялар асосида бозорни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишларга етарлича эътибор берилмаган. Айнан масаланинг шу жиҳатлари диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-155 «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

государственного университета. Серия D, Экономические и юридические науки. – 2020.; Шанько О. Ю. Совершенствование организации маркетинга и сбыта органической плодоовощной продукции. – 2021.; Хахаева М. Э. Эффективная система маркетинга плодоовощной продукции. – 2020.; Коваленкова О. Г. Интеграция товаропроизводителей на рынке овощной продукции //Вектор экономики. – 2018. – №. 5. – С. 51-51.; Журова И. В. Совершенствование сбыта овощной продукции на основе логистического подхода. – 2021 Дуплик К. А. Формирование сети распределительных логистических центров для повышения качества продукции, поставляемой в учреждения социальной сферы Красноярского края : дис. – Сибирский федеральный университет, 2022.

^бАбдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: «Мехнат», 2002.; Эргашев Р.Х. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // “Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истикболлари” республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 2015. – Б. 244-246.; Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик.– Т.: «Иқтисод-молия», 2010. – 424 б.; Абдукаримов Б.А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2016.; Ergashhodjaeva S. J. Genesis of the concept of the essence of innovative marketing //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 3. – С. 113-119.; Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э. ва бошқ. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2018. 448 б.; Икрамов М. А., Набиева Н. М. Значение особенностей услуг в менеджменте предприятий //Редакционная коллегия: д-р экон. наук, проф. ЕА Горбашко (отв. ред.). – 2019. – Т. 313.; Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998. – 284 с.; Тухлиев И.С. ва бошқ. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2018, 400 б.; Иватов И. Савдода маркетинг фаолияти. Монография. – Т.: ТДИУ, 2004. – 104 б.; Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2005. – 164 б.; Алимова М.Т. Худуд рақобатбардошлигини оширишда кластерли ёндашув // Сервис. – Самарканд, 2013. – № 2. – Б. 49-53.; Пардаев О. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017, – 284 б.; Абдукаримов Ф.Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарканд вилояти мисолида): Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарканд: СамИСИ, 2011.- 156 б.

сабзабот маҳсулотлари В2С бозори ва унинг ўзига хос хусусиятларини, чакана савдо тизими ва маркетинги бўйича илмий назарий қарашларни таҳлил қилиш;

сабзабот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда сабзабот маҳсулотлари чакана савдо тизими ва унинг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва маркетинг каналларининг самарадорлиги таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш

сабзабот маҳсулотлари В2С бозорида мижозлар билан ўзаро муносабатлар маркетингдан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

сабзабот маҳсулотлари В2С бозорида мерчандайзинг стратегияларидан ва мижозга мослашувчан нархлаштириш стратегияларидан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

сабзабот маҳсулотлари В2С бозорида савдо самарадорлигини рақамлаштириш асосида ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида сабзабот маҳсулотлари В2С бозори субъектлари, хусусан чакана савдо объектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, сабзабот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, танлаб кузатиш, кузатув, корреляция-регрессия, индукция ва дедукция, мантикий ёндашув, SWOT таҳлил, BWS ва MaxDiff каби усулларидан ҳамда социологик сўров натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сабзаботлар харид жараёнида мижозларни сабзаботлар сифатини $[U(b)=0,181, U(w)=0,060]$, нархини $[U(b)=0,190, U(w)=0,086]$, ташқи кўринишини $[U(b)=0,039, U(w)=0,043]$, органик хусусиятини $[U(b)=0,052, U(w)=0,060]$, янгилигини $[U(b)=0,392, U(w)=0,030]$ афзал кўриши хусусиятларини BWS модели ўлчовлари чегарасида таъминлаш орқали истеъмол даражасини 6-7 фоиз оралиғида ошириш асосланган;

сабзаботлар чакана савдо бозорида нарх ($W_n=8,30$), ассортимент ($W_{ass}=7,28$), мерчандайзинг ($W_{mer}=6,41$), савдо ходимларининг компетентлиги ($W_{com}=5,15$) омилларининг муҳимлиги бўйича вазн солиштирма салмоқлари даражасида маркетинг каналлари воситасида юқори истеъмол қиймати ($\sum W \approx 10$)га эришиш асосланган;

сабзабот маҳсулотлари чакана савдо тизимида консолидация марказларини ташкил этишнинг мижозларга қиймат яратишга асосланган чакана савдо формати орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш асосланган;

меъёрий истеъмол ҳажмига кўра сабзаботлар чакана савдо айланмасининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари чизикли тренд моделлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мижозларга қиймат яратишга қаратилган смарт чакана савдосини шаклланиш модели таклиф этилган;

сабзаёт маҳсулотларининг анъанавий чакана савдо тизими хабга асосланган чакана савдо модели, мижозларга қиймат яратишига қаратилган чакана савдо модели асосида такомиллаштирилган;

сабзаётлар В2С бозорида маркетинги каналлари самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий ёндашуви таклиф этилган;

сабзаётлар В2С бозорининг маркетинг каналларида истеъмол қийматини шакллантириш атрибутлари каналлар бўйича тизимлаштирилган;

деҳқон бозорларида мерчандайзинг амалиёти ва мижозларга яратилган қулайликларни баҳолашнинг услубий ёндашуви таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган назарий манбалар давлат нашриётларида чоп этилган адабиётлардан, амалий маълумотлар эса Давлат статистика кўмитаси тўпламларидан, чакана савдо корхоналари ва деҳқон бозорлари бўйича йиғилган статистик ва бухгалтерия ҳисоботларидан, муаллифнинг социологик сўров натижаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг расмий кўриб чиқилганлиги ва ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлардан чакана савдо корхоналарининг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва мижозларга қиймат яратишга доир илмий-назарий ва методологик жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар деҳқон бозорлари ва сабзаёт маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланувчи бозор, маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга ва узоқ муддатли стратегик қарорлар қабул қилишга қаратилган йўл хариталарини ишлаб чиқишда, бошқарув қарорларини қабул қилишда, тўпланган материаллардан ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сабзаёт маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сабзаётлар харид жараёнида мижозларни сабзаётлар сифатини $[U(b)=0,181, U(w)=0,060]$, нархини $[U(b)=0,190, U(w)=0,086]$, ташқи кўринишини $[U(b)=0,039, U(w)=0,043]$, органик хусусиятини $[U(b)=0,052, U(w)=0,060]$, янгилигини $[U(b)=0,392, U(w)=0,030]$ афзал кўриши хусусиятларини ВWS модели ўлчовлари чегарасида таъминлаш орқали истеъмол даражасини 8-9 фоиз оралиғида ошириш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон савдо-саноат палатаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 14 декабрдаги 11/02-15-13691-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши

натижасида сабзавотлар савдосидан олинадиган савдо тушумларининг ҳажмини 2021 йилда 2020 йилга нисбатан “Паркент деҳқон бозори” МЧЖда 8,4 фоизга, “Чиноз деҳқон бозори” МЧЖда 9,2 фоизга, “Дилноза” МЧЖда 20,5 фоизга оширишга эришилган;

сабзавотлар чакана савдо бозорида нарх ($W_n=8,30$), ассортимент ($W_{ass}=7,28$), мерчандайзинг ($W_{mer}=6,41$), савдо ходимларининг компетентлиги ($W_{com}=5,15$) омилларининг муҳимлиги бўйича вазн солиштирма салмоқлари даражасида маркетинг каналлари воситасида юқори истеъмол қиймати ($\sum W \approx 10$)га эришиш бўйича таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 14 декабрдаги 11/02-15-13691-сон маълумотномаси). Мазкур баҳолаш мезонидан фойдаланиш натижасида сабзавотлар савдосидан олинган фойда миқдорини “Паркент деҳқон бозори” МЧЖда 19,5 фоизга, “Чиноз деҳқон бозори” МЧЖда 7,2 фоизга ва “Дилноза” МЧЖда 8,9 фоизга оширишга эришилган.

сабзавот маҳсулотлари чакана савдо тизимида консолидация марказларини ташкил этишнинг мижозларга қиймат яратишга асосланган чакана савдо формати орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон савдо-саноат палатаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 14 декабрдаги 11/02-15-13691-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этиш натижасида чакана савдо корхоналарига маҳсулот етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш ва таъминотчилар билан муносабатлардаги харажатларни “Паркент деҳқон бозори” МЧЖда 6,7 фоизга, “Чиноз деҳқон бозори” МЧЖда 17,6 фоизга ва “Дилноза” МЧЖда 11,2 фоизга қисқаришига ва нархлар барқарорлигини таъминлашга эришилган;

меъёрий истеъмол ҳажмига кўра сабзавотлар чакана савдо айланмасининг чизиқли тренд моделлари асосида ишлаб чиқилган 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 14 декабрдаги 11/02-15-13691-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистонда истеъмол меъёри талаблари асосида сабзавотлар етиштириш ва ички бозорда узлуксизлигини таъминлашга қаратилган стратегик йўналишлар ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 2 та илмий мақола, хорижий журналларда 2 та мақола, 13 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сабзаёт маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида, сабзаёт маҳсулотларининг В2С бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган, сабзаёт маҳсулотлари чакана савдо тизими ва маркетинги бўйича илмий ва назарий тушунчалар тизимлаштирилган, сабзаёт маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва харидорнинг хатти-ҳаракатларининг замонавий эволюцияси (истеъмолчилар хулқ-атвори, мижозларнинг оммавий ҳаракати ва сотиб олиш хатти-ҳаракатларидаги ҳис-туйғулари) ва бошқарув амалиётлари (маркетингни ривожлантириш, тармоқлар ва соҳаларнинг ўзига хос бўлган маркетинги ва бозорни дифференциациялашуви) бозорни ўзига хос бўлган В2В ва В2С кабиларга бўлиб ўрганишни тақозо этмоқда.


Маркетингдаги В2В ва В2С қисқартмалари замонавий йўналишлар сифатида фанга кириб келди. Маркетингда “В2В” ибораси “Business to Business”, яъни инглиз тилидаги “бизнесдан-бизнесга” иборасига мос келиб, ўз маҳсулотларини ёки хизматларини фақат якуний истеъмолчиларга эмас, балки бошқа корхоналарга сотиш мақсадларидаги тадбиркорлик фаолияти учун амал қилади. “В2С” ибораси эса, бизнесдан якуний истеъмолчига, яъни инглиз тилидаги “Business to Consumer” иборасига мос келиб, бизнесдан якуний истеъмолчига деган маънони англатади.

В2С маркетинги истеъмолчиларга маҳсулот ёки хизматларни сотиш жараёнида юзага келадиган бозор муносабатларини ўзида ифодалайди. Қоидага кўра, бу чакана савдо шаҳобчаларида ўзлари учун кийим сотиб оладиганлар, ресторанда овқатланидиганлар ёки уйда томоша қилиш учун пулли телеканалларга обуна бўлган истеъмолчиларга йўналтирилган маркетингдир. В2С атамаси маҳсулотларни онлайн сотиш ёки электрон почта орқали тарқатиш тизимларини ҳам англатади, бунда ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар ўз маҳсулотларини интернет орқали истеъмолчиларга сотадилар. Сотувчи ёки улгуржи сотувчи товарни якуний истеъмолчига сотиш жараёнидаги барча бозор муносабатлари ҳам В2С маркетинги ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, В2С бозордаги чакана сотувчилар учун “қиймат” уларнинг стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини ривожлантиришда мутлақ ўлчовдир ва бу замонавий маркетинг

фалсафасининг марказида ётади. Шунга қарамай, кўплаб чакана сотувчилар учун буни тушуниш ҳали ҳам қийин бўлиб туюлади, улар ҳали ҳам ўз қарорларини харажат, функционаллик ва ҳоказоларнинг аниқроқ стратегик элементларига асослайдилар. Нафақат чакана савдо, балки бошқа бизнес моделларида ҳам “қиймат” доимо стратегик ва процессуал даражада муҳим ва доимий эътибордаги омил сифатида намоён бўлади.

Юқоридаги тадқиқот натижалари асосида чакана савдо бизнеси ва истеъмолчининг смарт чакана савдодаги ўзаро таъсири тизимининг ягона, кенг қамровли, вақтинчалик, қийматга асосланган кўп ўлчовли модели 1-расмда кўрсатиб берилган.



1-расм. Мижозларга қиймат яратишга қаратилган смарт чакана савдони шаклланиш модели⁷

1-расмда тавсия этилган модель смарт чакана савдога таъсир қилувчи асосий бизнес ва тизим омилларини ҳар томонлама ўз ичига олади, уларни боғлайди ва мижозга қиймат яратиш шаклини асосий ўринга қўяди. Хусусан, назарий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, мижозларга қиймат яратишга қаратилган смарт чакана савдони ривожлантириш модели асосий омиллар ва ҳаракатларни ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистоннинг анъанавий чакана савдо тармоғи ўзининг инновацион босқичига ўтиш жараёнида турибди. 2017 йилдан бошлаб иқтисодиётни


⁷ Муаллиф ишланмаси
12

либераллаштириш сиёсати ва глобаллашув мамлакат иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсишига тurtки берди. Мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ва глобаллашувнинг бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши Ўзбекистондаги барча бозор сегментлари жабҳаларида жадал иқтисодий ўсиш ва мослашиш жараёнларини тезлаштириб юборди. Чакана савдо соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Бозор тенденцияларини ўрганиш, ўзгарувчан истеъмолчилар талабларини аниқлаш ва бозор ривожланиши ҳамда истеъмолчиларнинг тез ўзгарувчан талабларига мос чакана савдо форматларини киритиш асосий муаммога айланган.

Мижозларнинг сабзаотлар маҳсулотларини танлашнинг умумий тенденциялари қуйидагилардан иборат: маҳсулотларни янгилиги, соғлиқ муаммолари, қулайлик ва савдо жараёни хусусиятлари, органик таркиби ва бошқалар.

Сабзаот маҳсулотларининг анъанавий чакана савдо тизими иштирокчилари савдо агентлари, акционерлар, улгуржи сотувчилар, фермерлар ва мижозлардан ташқари оилавий "дала дўкон"лари, йўл бўйидаги дўконлар, йўлак дўконлари ва аравада сотувчилар ҳисобланади. Hub ва Spoke модели марказлаштирилган "марказ" мавжуд бўлган тарқатиш усулига ишора қилади. Ҳамма нарса марказдан келиб чиқади ёки истеъмолчиларга тарқатиш учун марказга юборилади. Марказдан товарлар кейинги қайта ишлаш ва тарқатиш учун компанияга тегишли бўлган кичикроқ жойларга (Spoke), боради. Мазкур моделлар асосида муаллиф томонидан мижозларга қиймат яратишга қаратилган чакана савдо модели таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Мижозларга қиймат яратишга қаратилган чакана савдо модели⁸

Қиймат занжири бизнес модели улгуржи бозорга ва марказлар ўртасидаги таъминот алоқасига боғлиқ бўлган марказ ва тармоқ бизнес моделидан фарқ қилади. Қиймат занжири моделидаги марказ яроқлилиқ

⁸ Муаллиф ишланмаси

муддати ўтган сабзавотларни йўқ қилади ёки сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарига сотади.

Ҳозирги вақтда янги сабзавот маркетингининг турли бизнес моделлари уюшган чакана сотувчилар томонидан синовдан ўтказилмоқда ва улар тез ривожланмоқда. Улар, маҳаллий анъаналар ва глобал амалиёт афзалликларининг ўзига хос кучига эга бўлган гибрид тизимлардан фойдаланишмоқда. Анъанавий чакана сотувчилар билан солиштирганда, замонавий чакана савдо турли йўллар билан ўзларини воситачиларсиз сотиш тизимини йўлга қўймоқда. Таклиф этилган мижозларга қиймат яратишга қаратилган чакана савдо модели мижозларга чакана савдо шакллари орқали наф келтиришни назарда тутади. Ўзбекистонда ҳозирги давргача сабзавотлар чакана савдосида анъанавий шакл сақланиб қолмоқда. Дехқон бозорлари фаолияти тизимли равишда такомиллаштириб борилаётган бўлсада, бозорлардаги савдо ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, савдо маданияти ва савдо ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, сабзавотлар чакана савдосида нархларни шаклланиш механизмлари, маҳсулотларни ташиш масофаси, транспорт харажатлари, ифлосланиши, энергия тежаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қиймати билан боғлиқ иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммоларга бўлган катта таъсирлар ҳам ўрганилиши лозим. Уюшган савдода қўлланилаётган савдо-технологик жараёнлари замонавий талаблардан келиб чиқиб амалга оширилаётган бўлсада, истеъмолчиларга қиймат яратишга қаратилган самарали маркетинг тадбирларини амалга оширишга юқори даражада аҳамият қаратилмаган. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олганда, сабзавот маҳсулотлари бозори ва унинг чакана савдосини ривожлантириш ҳамда истеъмолчиларга қиймат яратишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш долзарб вазифалар эканлигини аниқлатади.

Диссертациянинг «**Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистондаги сабзавот маҳсулотлари чакана савдоси тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида савдо маркетинги каналларининг самарадорлиги баҳоланган. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мижозлар билан ўзаро муносабатлар маркетингидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Сабзавотлар Ўзбекистонда асосий истеъмол товарлари ҳисобланади ва унинг бозори ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга. Шунинг учун мамлакатда сабзавотчиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Мамлакатда сабзавот майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ортмоқда, картошка ва сабзавотларнинг ялпи ҳосили ошиб бормоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларининг истеъмол бозори учун талаб ва таклиф, истеъмол ва ишлаб чиқариш мувозанати энг муҳим муаммо ҳисобланади. Ушбу тоифаларнинг нисбати бозорнинг шаклланишига ҳам, аҳолининг мева-

сабзавот истеъмолига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳам бевосита таъсир қилади.

Ўзбекистонда сабзавотлар етиштириш ва ички истеъмол бир қатор омиллар таъсирида юқори ўзгарувчанлик динамикасига эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатлар сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимини ташкил этишда аниқ стратегик йўналишларни белгилашни талаб этади.

Мамлакатимизда сабзавот маҳсулотларининг энг катта истеъмоли картошка ҳисобланади. 2010 йилда республикада жами 1694,8 минг тонна картошка етиштирилган бўлса, 2021 йилда унинг ҳажми 3285,6 минг тоннани ташкил этган. Картошка маҳсулотларининг уюшган ва умумий овқатланиш корхоналаридаги чакана савдо айланмаси 2010 йилда 406 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 711,9 минг тоннани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотлар чакана савдо айланмасининг умумий динамикаси йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. 2016 йилда уюшмаган савдонинг жами чакана савдодаги улуши 66 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 58 фоизга тўғри келган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотлар чакана савдо айланмаси⁹

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Мева-сабзавотлар чакана савдо айланмаси	18 845,9	21 334,2	25 839,3	26 268,8	26 825,5	35 293,5
Уюшган савдо – жами	6 434,5	7 936,2	10 398,5	10 345,3	11 880,5	14 749,6
Тарвуз ва қовун	586,2	687,4	873,8	981,5	1 112,2	1 364,1
Узум	499,6	550,7	750,1	807,2	923,5	1 181,3
Бошқа мевалар	1 832,4	2 315,6	2 879,7	3 034,1	3 487,4	4 457,6
Картошка	889,3	1 159,4	1 413,3	1 569,7	1 785,1	2 233,7
Қовоқ	220,7	263,2	352,1	382,9	439,7	528,9
Бошқа сабзавотлар	1 925,4	2 362,2	3 398,6	2 731,0	3 150,9	3 830,0
Қайта ишланган сабзавотлар	259,2	333,2	404,0	445,6	535,0	642,4
Қайта ишланган мевалар	221,8	264,4	326,9	393,4	446,6	511,7
<i>шу жумладан:</i>						
Уюшмаган савдо - жами	12 411,4	13 398,0	15 440,8	15 923,5	14 945,0	20 543,9
Уюшмаган савдонинг жами чакана савдодаги улуши, %	66	63	60	61	56	58

Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида савдо маркетинги каналлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистонда уюшган савдонинг юқори даражада ривожланаётганлиги билан бир қаторда деҳқон бозорларининг ҳам замонавий шакллари миқозлар учун қиймат яратиш мақсадларида ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда замонавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи савдосини ташкил этишнинг янги намунаси сифатида

⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг маълумотлари (2022- у. «8» sentabr № 01/2-01-19-730)

Тошкент шаҳрида 60 гектар майдонда, йирик улгуржи бозорлари бўлган “Food city” савдо мажмуаси ташкил этилиб, бу Ўзбекистондаги энг йирик озиқ-овқат тарқатиш марказларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари ҳудудларида сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратиш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сон қарори билан 2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастури қабул қилинган. Мазкур дастурларга кўра республикадаги жами 301 та бозор комплекслари реконструкция қилиниб, замонавий шакллари жорий этилган.

Сабзавотлар савдо маркетинги каналлари ўртасидаги самарали муносабатлар В2С бозорида савдо самарадорлигини оширишнинг ягона механизми ҳисобланади. Шунинг учун асосий эътиборни чакана савдонинг маркетинг каналларидаги ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга қаратилиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, В2С маркетинг каналлари бўйича сабзавот маҳсулотларини сотиб олаётганда истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини ўрганилиши ва уларга қиймат яратишда қайси омиллар муҳим эканлигини аниқлаш асосий ёндашув сифатида қаралиши лозим.

Тадқиқот давомида 230 та харидор билан суҳбат ўтказилган бўлиб, улардан турли каналлар бўйича баҳолаб бериш сўралган. Эътиборга олинди омиллар сифатида: "муҳим эмас" (1 балл), "жуда муҳим эмас" (2 балл), "муҳим" (3 балл) кабилар олинди. Сўров натижаларига кўра, ҳар бир омил учун вазнли балл ҳисоблаб чиқилган (1) ва ҳар бир омил аҳамиятининг солиштирма оғирлиги аниқланган (формула 2).

$$D_i = d_1 + 2d_2 + 3d_3 \quad (1)$$

бу ерда,

D_i - истеъмолчилар учун муҳим бўлган омилнинг аҳамиятини вазнли баҳолаш;

d_1 - сўралган истеъмолчилар улуши, улар учун ушбу омил "муҳим эмас";

d_2 - сўралган истеъмолчиларнинг улуши, улар учун ушбу омил "жуда муҳим эмас";

d_3 - сўралган истеъмолчиларнинг улуши, улар учун ушбу омил "муҳим" 1, 2, 3 - омилнинг аҳамиятини баҳолаш

$$W_{D_i} = \frac{D_i}{\sum_{i=1}^n D} * 100 \quad (2)$$

W_{D_i} – истеъмолчи танлови бўйича омилларнинг вазн коэффициентини баҳолаш;

$\sum_{i=1}^n D$ – истеъмолчи танлови омилларининг аҳамиятлилиқ даражасини баҳолаш йиғиндиси.

Мижозлар сабзавотларни деҳқон бозорларидан харид қилиш жараёнида асосий мижоз учун самара келтирувчи 16 та омиллар ичида асосий омиллар сифатида қуйидагилар ўртачага нисбатан юқори ҳисобланади: сабзавотлар сифати, ассортимент, нархи, хизмат кўрсатиш даражаси, савдо

ходимларининг муносабати, ходимларнинг савдо компетентлиги, сабзавотларни намоён этиш ҳолати, савдо майдонининг санитария талабларига мослиги, харид қилинган товарларни олиб кетиш қулайлиги харид қилиш жараёнида миқдорларга наф келтирувчи асосий омиллардир. Мазкур омилларнинг ҳисобланган вазн коэффиценти 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Сабзавотларни харид қилиш жараёнида истеъмолчилар учун деҳқон бозорида муҳим бўлган омилларнинг вазн коэффицентини аниқлаш¹⁰

№	Асосий омиллар	Истеъмолчи учун омилнинг аҳамиятини баҳолаш, балл			Омилнинг аҳамиятини вазли баҳолаш, балл (D_i)	Омил аҳамиятининг вази коэффиценти, W_{D_i}
		муҳим эмас (d1)	жуда муҳим эмас (d2)	муҳим(d)		
1	Сабзавотлар сифати	12	25	118	416	8,05
2	Ассортименти	5	79	71	376	7,28
3	Имиж	87	24	44	267	5,17
4	Қадоқланиши	102	26	27	235	4,55
5	Нархи	9	18	128	429	8,30
6	Нарх бўйича чегирмалар	41	78	36	305	5,90
7	Хизмат кўрсатиш даражаси	22	92	41	329	6,37
8	Маҳсулотнинг етарли миқдорининг мавжудлиги	55	54	46	301	5,83
9	Турли маркетинг тадбирлари	87	25	43	266	5,15
10	Реклама	124	26	5	191	3,70
11	Савдо ходимларининг муносабати	37	41	77	350	6,77
12	Ходимларнинг савдо компетентлиги	8	78	69	371	7,18
13	Сабзавотларни намоён этиш ҳолати	45	51	59	324	6,27
14	Ижобий истеъмол тажрибаси	65	50	40	285	5,52
15	Савдо майдонининг санитария талабларига мослиги	25	66	64	349	6,75
16	Харид қилинган товарларни олиб кетиш қулайлиги	26	29	100	384	7,43

Мазкур таҳлилни амалга оширишда жами 33 та, дала-дўконларда эса 6 нафар, жами 39 нафар респондентлар жавоблари асосида хулосага келинган. Сабзавотларни харид қилиш жараёнида истеъмолчилар учун дўкон ва дала-дўконлардаги муҳим бўлган омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиш қўрсатиш мумкин: қадоқланиши, нарх бўйича чегирмалар, хизмат кўрсатиш даражаси, турли маркетинг тадбирлари, савдо ходимларининг муносабати,

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

ижобий истеъмол тажрибаси, савдо майдонининг санитария талабларига мослиги, харид қилинган товарларни олиб кетиш қулайлиги.

Таҳлил шуни кўрсатдики, харидорлар учун сабзаот маҳсулотлари В2С маркетинг каналлари ичидан дўконлар, савдо дўконлари ва дала дўконлар учун энг муҳим омиллар сифатида савдо ходимларининг муносабати (8,05 балл), савдо майдонининг санитария талабларига мослиги (7,76) энг муҳим омиллардир. Мазкур таҳлил натижалари асосида сабзаотлар В2С бозорининг маркетинг каналларида истеъмол қийматини шакллантириш жиҳатларини юқори ва қуйи таъсир этувчиларга ажратиш имконияти мавжуд.

Сабзаотлар бозорини таҳлил қилишнинг яна бир энг муҳим йўналишларидан бири истеъмол қилиш хулқ-атворига эътибор қаратишдир. Хусусан, мева-сабзаот маҳсулотларини харид қилишнинг одатий нуқталарини (дала дўконлари, оммавий чакана савдо каналлари, очик бозорлар, озик-овқат дўкони, кўчма савдо, супермаркетлар, деҳқон бозорлари ва бошқалар) текшириш киради. Истеъмолчиларни сабзаотлар хусусиятига берган баҳолари асосида BWS (BWS methodological) услубий дизайнини амалга ошириш орқали танланган 12 сабзаотлар ички ва ташқи атрибутларига нисбатан аҳамиятлиларни аниқлаш муҳим вазифалардан биридир. Диссертацияда ушбу методологияни қўллашда сабзаотларни тавсифловчи 12 та ташқи ва ички омиллар тегишли илмий адабиётларни ўрганиш асосида ажратиб олинди. Истеъмолчиларнинг сабзаотлар харидига таъсир этувчи асосий омилларни ажратиб олиш учун BWS усулига асосланган анкета сўрови <https://questionpro.com> порталидан фойдаланиб амалга оширилди. Сўровнома тарқатилган респондентлар сони 500 тани ташкил этди ва сўровнома учун тўлиқ маълумотномаларга 234 та респондент рози бўлган. 234 та респондентдан сўровноманинг барча саволларига 230 нафари тўлиқ жавоб берган.

Энг аҳамиятли-энг аҳамиятсиз шкала таҳлили натижалари барча сўров ўтказилган истеъмолчилар томонидан сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишда кўриб чиқилган сабзаот маҳсулотлари бўйича асосий хулқ-атвор атрибутлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал маълумотларига кўра мижозларнинг сабзаотлар харидидаги асосий эътиборга молик омил бу маҳсулотнинг янгилиги бўлиб, респондентларнинг 39,2 фоизи айнан шу жиҳатни энг асосий харид омили сифатида қарайди. Энг юқори аҳамиятга эга бўлган яна бир омил бу сабзаотларнинг нархи ҳисобланади. Респондентларнинг 18 фоизи нархга юқори эгилувчан ҳисобланади. Шунингдек, кейинги муҳим омил бу сабзаотларнинг сифати ҳисобланади. Мижозлар сабзаотларнинг органик хусусиятларига эътиборга олмаслик барча омиллар ичида юқори даражада эътиборга олинмайдиган омил сифатида қайд этилган. Респондентларнинг қарийб 30 фоизи ушбу хусусиятни умуман аҳамиятга эга эмас деб топилган. Илмий тадқиқотларда эса, ушбу жиҳатлар нарх ва сифат хусусиятларидан кейинги омил сифатида қаралиши асосланган.

**Сабзавотларни харид қилишда мижозлар танлови учун энг аҳамиятсиз
ва энг аҳамиятли омиллар бўйича маълумот¹¹**

Умуман аҳамиятга эга эмас, U(w)		Мижозларни сабзавотлар харидида танловига сабаб бўлувчи омиллар	Энг юқори аҳамиятга эга, U(b)	
Сони	Фоиизи		сон	фоизи
70	30,17%	Сотувчилар (брендлар)	9	3,88%
14	6,03%	Органик хусусияти	12	5,17%
14	6,03%	Сифати (сертификати)	42	18,10%
28	12,07%	Сабзавот етиштирилган жойи	4	1,72%
20	8,62%	Нархи	44	18,97%
17	7,33%	Рағбатлантириш таклифлари	4	1,72%
10	4,31%	Ташқи кўриниши	9	3,88%
6	2,59%	Маҳаллийлик	5	2,16%
22	9,48%	Етиштирилган ҳудуд (мамлакатдан ташқари)	1	0,43%
15	6,47%	Мавсумийлик	1	0,43%
9	3,88%	Сабзавотларнинг нави	10	4,31%
7	3,02%	Янгилиги (свежий)	91	39,22%
232	100	Жами	232	100

Диссертациянинг «Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» деб номланувчи учинчи бобида, сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мерчандайзинг стратегияларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар берилган. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мижозга мослашувчан нархлаштириш стратегияларидан фойдаланиш, савдо самарадорлигини рақамлаштириш бўйича таклифлар тайёрланган.

Замонавий мерчандайзинг технологияларидан фойдаланиш маҳсулотнинг мавжуд камчиликларини катта даражада яширишга имкон беради ва уни потенциал харидор учун жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўзбекистондаги истеъмолчиларнинг сабзавот харидида асосий эътиборга молик омил сифатида унинг янгилиги эътироф этилди. Самарали йўлга қўйилган мерчандайзинг амалиёти ушбу муаммоларни ечишнинг асосий стратегик йўналишидир. Кўпчилик сабзавот ва меваларнинг ташқи жозибадорлиги туфайли ушбу тоифадаги визуал мерчандайзернинг иши, масалан, "музлатиш"га қараганда анча осон. Маркетологларнинг асосий вазифаси мева ва сабзавотлар кўринишининг жозибали кўринишини таъминлашдир. Ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам берадиган бир нечта асосий тамойиллар мавжуд:

1) Маҳсулот сифати. Паст сифатли товарларни сотув пештахталаридан ўз вақтида олиб ташлаш керак, чунки ёрқин ва сувли помидорларнинг бутун уюми орасида битта чириган, аммо кўринадиган жойдаги помидор ҳам бутун ижобий таассуротни бузиши мумкин.

2) Оммавий тартиб. Сабзавот ва мевалар бўлими шарқона бозорга ўхшаши керак. Сабзавотлар ассортиментни қанчалик ёрқин, массив ва ранг-

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

баранг бўлса, уни ўрганиш ва импульсив савдо истаги шунчалик кўп бўлади. Бироқ, помидор ва бананни уюм қилиб кўрғазмасини ташкил этиш орқали самарага эришиб бўлмайди. Бундай ҳолда сабзавотлар механик шикастланади, иккинчидан, мижозлар унга тегинишдан чекинади. Шунинг учун, бурчак остида ўрнатилган контейнерларда жойлаштириш нисбатан самарали ҳисобланади.

